

КАССА ИШЛАРИГА ОИД ТЕЗ-ТЕЗ БЕРИЛАДИГАН САВОЛЛАР ВА УЛАРГА МУТАХАССИС ЖАВОБЛАРИ

т/р	Саволлар	Жавоблар
1.	<p>Депозит катакларни ижарага бериш бўйича тушунча беринг</p>	<p>Депозитар катаклар сифатида ижарачи ва банк қулфи билан мажбурий тартибда таъминланган, бош пўлат сандиқда бойликлар ҳамда ҳужжатларни сақлаш учун мўлжалланган, рақамланган катаклар тушунилади.</p> <p>Депозитар катаклар Ўзбекистон Республикасининг резидентлари, шунингдек норезидентлари бўлган юридик ва жисмоний шахсларга ижарага берилади.</p> <p>Депозитар катакларни ижарага беришда:</p> <p>55x320x490 мм ли катаклар учун</p> <p>а) юридик шахслар учун энг кам иш ҳақининг 0,2 баробари миқдорида;</p> <p>б) жисмоний шахслар учун энг кам иш ҳақининг 0,1 баробари миқдорида.</p> <p>88x320x490 мм ли катаклар учун</p> <p>а) юридик шахслар учун энг кам иш ҳақининг 0,4 баробари миқдорида;</p> <p>б) жисмоний шахслар учун энг кам иш ҳақининг 0,2 баробари миқдорида.</p> <p>198x320x490 мм ли катаклар учун</p> <p>а) юридик шахслар учун энг кам иш ҳақининг 0,5 баробари миқдорида;</p> <p>б) жисмоний шахслар учун энг кам иш ҳақининг 0,3 баробари миқдорида.</p> <p>308x320x490 мм ли катаклар учун</p> <p>а) юридик шахслар учун энг кам иш ҳақи миқдорида;</p> <p>б) жисмоний шахслар учун энг кам иш ҳақининг 0,5 баробари миқдорида.</p> <p>Мижоз томонидан катакнинг калити йўқотилган тақдирда катакнинг очилиши ва қулф тузилишини янгилаш бўйича мижоз билан ҳисоб-китоб қилиш учун</p> <p>а) энг кам иш ҳақининг 2 баробари миқдорида хизмат ҳақлари олинади.</p> <p>Банк кассасида мижознинг қимматбаҳо буюмларини сақлаш (бир йил муддатгача)</p> <p>а) камида энг кам иш ҳақининг 2 баробари миқдорида хизмат ҳақлари олинади.</p>
2.	<p>Акциз маркаларни сақлаб бериш бўйича тушунча беринг</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 14 августидаги “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тамаки ва алкоголь маҳсулотлари учун акциз маркаларини жорий этиш тўғрисида”ги 285-сонли қарорига асосан республикада тамаки ва алкоголь маҳсулотларини</p>

		<p>ишлаб чиқариш, импорт қилиш, сақлаш ва сотиш тартибини жорий этиш учун давлат назоратини ўрнатиш мақсадида 1996 йил 1 октябридан бошлаб, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган ва республика ҳудудига четдан олиб келинган тамаки ва алкоголь маҳсулотларини мажбурий маркировкаси жорий қилинган.</p> <p>Акциз марка тамаки ва алкоголь маҳсулотлари учун акциз солиғини тўланганлигини билдирувчи махсус марка бўлиб, республика ҳудудида ишлаб чиқарилган ёки четдан олиб кирилган барча тамаки ва алкоголь маҳсулотларининг барчаси шу марка билан маркаланиши шарт.</p> <p>Акциз маркаларни сақлаб бериш бўйича акциз маркаларнинг номинал қийматидан 1 фоиз миқдорида хизмат ҳақлари олинади.</p>
3.	<p>Нақд пул чек дафтарчаларига эга бўлиш масаласи бўйича тушунча беринг</p>	<p>Хўжалик субъектлари эҳтиёжи учун банк кассасидан нақд пул олганида <i>нақд пул чекларидан</i> фойдаланилади.</p> <p>Нақд пул чек дафтарчаси 25 варақдан иборат бўлиб, қатъий ҳисобда турувчи бланка ҳисобланади.</p> <p>Нақд пул чекида ҳисобварақ эгасининг номи, унинг ҳисобварағи рақами ва хизмат кўрсатаётган банк номи кўрсатилади.</p> <p>Банк кассасидан нақд пул олиш учун фойдаланиладиган нақд пул чеклари бир хил рангли сиёҳли ёки шарикли ручка билан қўлда тўлдирилган бўлиши шарт. Хужжатнинг тўлдирилмаган қисмларига иккита параллел чизик тортилиши лозим.</p> <p>Нақд пул чек дафтарчасини хўжалик субъектларига беришда энг кам ойлик иш ҳақининг 0,5 баробари миқдорида хизмат ҳақлари олинади.</p> <p>Бюджет ташкилотларига нақд пул чек дафтарчаси бепул берилади.</p> <p>Йўқотилган пул чек дафтарчаси ўрнига янгисини фойдаланиш учун бериш, энг кам иш ҳақининг 2 баробари миқдорида хизмат ҳақлари олинади.</p>
4.	<p>Нақд пул маблағлари билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш бўйича тушунча беринг</p>	<p>Кассага мижозлардан нақд пулларни қабул қилиш бепул;</p> <p>Юридик шахс мақомига эга бўлган мижозларга нақд пул бериш бепул;</p> <p>Нақд пул топширмайдиган ҳамда топширилган нақд пул доирасидан ортиқча миқдорда нақд пул оладиган юридик шахс мақомига эга бўлмаган мижозларга нақд пул беришда бериладиган суммасидан 3 фоизмиқдорида хизмат ҳақлари олинади;</p> <p>Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш учун тайёрлов корхоналарига нақд пул беришда бериладиган суммасидан 3 фоиз миқдорида хизмат ҳақлари олинади.</p>